

## Фикҳ дарслари (93-дарс). Таҳоратнинг мустаҳаби



13:05 / 09.07.2020 5862

عَبَّ قُرْلًا خَسَمًا وَنُ مَائِي تَلَا؟ هَبَّ حَتُّ سُمْ وَ

Ўнгдан бошламоқ ва бўйинга масҳ тортмоқ.

«Мухтасар»нинг муаллифи ижтиҳоди бўйича, таҳоратнинг юқорида зикр этилган мустаҳаб амали бор. Бошқа ҳанафий уламолар аъзоларни ювганда ўнг тарафдан бошлашни суннат амал деганлар. Нима бўлганда ҳам, таҳорат қилувчи шахсни бу ишга алоҳида тарғиб қилинади. Бунинг аҳамиятини далил сифатида келтирилган қуйидаги ҳадисдан билиб оламиз.

مَلَسُوهُ لَعْلَعًا لِيَلَصَّ بِهِ لَوْلَا لَوْ سَرَّ نَاكَ نِي تَلَا قَاهَنْ عُهُ لَلَا يَضَرَّ شَيْءٌ أَنْ عَزَّ  
أَذَى هَلْ أَعْتَنَّا يَفَوْ، لَجَّزَتْ أَذَى هَلْ جَزَتْ يَفَوْ، رَّطَتْ أَذَى هَرُؤُهُ طَيَفَنَّمِّي تَلَا بَحْيَل

هُوَ سَمُّ الْجَاهِلِ وَأَوْرَجَ تَنَا

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам поклансалар, покланишларида ҳам, тарансалар, таранишларида ҳам ва оёқ кийим кийсалар, оёқ кийим кийишларида ҳам доимо ўнгдан бошлашни жуда яхши кўрар эдилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг покланишда ҳам ўнг томондан бошлашни жуда яхши кўрганликлари ҳақида гап боргани учун у мана шу бобда келтирилмоқда. Демак, таҳоратда ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай қилганлар.

بِحُجِّي مَلَسُوهُ لَعَلَّ يَلْصُقُ بِيَدَيْهِ نَأْكُ: تَلَأَقَ أَهْنَعُ لَلْأَيْضَ رَشَائِعَ نَع  
يُرَاحُ الْجَاهِلِ وَأَوْرَجَ تَنَا وَهَلْ جَرَتْ وَهَرُؤُهُ طَيْفٌ: هَلْ كَرِهْنَا شَيْفَ عَاطِئَاتِ سَامِ نَمَّيْتَلْ

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам барча ишларида иложи борича ўнгдан бошлашни яхши кўрар эдилар. Таҳоратларида ҳам, таранишларида ҳам, оёқ кийим кийишларида ҳам».

Бухорий ривоят қилган.

Ҳа, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам барча яхшилик, эҳтиром, хайр маъносидаги бирор нарсани олиш ёки бериш, ичиш, ейиш, кийиш, ювиш каби ишларни ўнг қўл билан қилар ва ўнгдан бошлар эдилар.

Таҳоратда бўйинга масҳ тортиш мустаҳаб эканига далил қуйидагича:

هَلْ لَعَلَّ يَلْصُقُ بِيَدَيْهِ نَأْكُ: تَلَأَقَ أَهْنَعُ لَلْأَيْضَ رَشَائِعَ نَع  
يُرَاحُ الْجَاهِلِ وَأَوْرَجَ تَنَا وَهَلْ جَرَتْ وَهَرُؤُهُ طَيْفٌ: هَلْ كَرِهْنَا شَيْفَ عَاطِئَاتِ سَامِ نَمَّيْتَلْ

Абулҳасан ибн Форис Ибн Умардан ривоят қилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким таҳорат қилиб, бўйнига икки қўли ила масҳ тортса, қиёмат куни ғулдан, (яъни бўйин ва қўл қўшиб боғланадиган кишандан) сақланади», дедилар».

Уламоларимиз таҳорат борасида келтирган ҳамма ҳадис ва асарларни ўрганиб, тартибга солсак ва таҳорат одобларига, бу борадаги қоидаларга назар ташласак, ушбу ибодат ҳақидаги улкан ҳақиқатни яна ҳам тўлиқроқ тушуниб етамиз.

**«Кифоя» китобидан**